

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2004 йил, 16 сентябрь, пайшанба № 111 (1999).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН  
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН

● Четверг, 16 сентября, 2004 г. № 111 (1999).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Президент Қозоғистонга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида МДҲнинг муҳим ва

аҳамиятли тузилма эканлигини таъкидлади. У аynиқса Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги коммуникация, жумладан, ҳаво ва темир йўл транспорти алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётганини айтиб ўтди. Мана шунинг ўзи ҳам МДҲнинг керакли ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

Аммо, МДҲ фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин эди. Спёсий

ва ҳарбий масалалар билан бирга иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратилганида, тузилмага аъзо мамлакатлар учун янада фойдалироқ бўларди.

Остона саммитида мана шу масалалар, яъни иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликка доир муаммолар кенгроқ ва атрофлича муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

(УЗА).

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Чехиялик олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Мирзо Улугбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг мукамал

илмий ва меъморий мўъжизаси саналган ушбу мажмуа ҳамон барчани ҳайратга солиб келади. Расадхона Чехия раҳбарига катта таассурот қолдирди.

Вацлав Клаус Бибиюнним масжидини, Гўри Амир мақбарасини томоша қилди. «Сиб» бозорини бориб кўрди.

— Ўзбекистонга ташрифим асносида Самарқанддек бетакрор шаҳарни то-

моша қилганимдан жуда мамнунман. — деди В. Клаус. — Унинг қадимий обидалари менда унутилмас таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Алишер Навоий помиди Самарқанд давлат университети ҳузуридаги янги академик лицей фаолияти билан ҳам танишди.

Акбар ҚАРШНЕВ,  
ЎЗА мухбири.

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Қадимий Бухоро зиёрати Арк қалъасидан бошланди. Меъморий обида Чехия раҳ-

барига катта таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Исмоил Сомоний, Тоқи Заргарон, Тоқи Саррафон, Тоқи телпақфурушон, Лаби ҳовуз каби тарихий обидаларни зиёрат қилди.

В. Клаус Ўзбекистонда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак ав-

лодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганига юксак баҳо берди. Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шу куни Чехия Президентини ватанига жўнаб кетди.

Илҳом САФАР,  
ЎЗА мухбири.

## Суд тизими ислоҳотларига бағишланди

Пойтахтимиздаги «Интер-континентал» меҳмонхонасида суд тизими мустақиллигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва чоратадбирларига бағишланган икки кунлик халқаро анжуман бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон суд тизими ва судьялар ассоциацияларининг вакиллари, шунингдек, Германия Федератив Республикасидан (ГФР) ташриф буюрган ҳуқуқшунослар ва халқаро лойиҳа раҳбарлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти кўмагида ташкил этилган тадбирдан мақсад Марказий Осиё мамлакатлари судьялари ва ГФР суд тизими вакиллари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ақлий тизимини ислоҳ қилиш борасида фикр алмашувини йўлга қўйишдир.

Анжуманда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда суд-

ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, 2001 йил августда ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Прокуратура тўғрисида» янги тахрирдаги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини иккунга эътибор тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Ўзбекистонда суд ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, инсон ҳуқуқлари тўла ҳимоя этилаётгани демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан Германия техник ҳамкорлик жамияти бошқармаси бошлиғи Кристоф Байер


Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ГФР жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Германия ўртасида ақлий соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакат мутахассислари доимий равишда маслаҳатлашувлар олиб боради. Кўплай ўзбек ҳуқуқшунослари Германияда малака ошириб қайтмоқда.

Анжуманда конституциявий судларнинг давлат ҳуқуқий тизимидаги аҳамияти ва қонунчилик соҳасида кўптомонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама этилди. Иштирокчиларнинг суд мустақиллигини таъминлашга қаратилган маърузалари тингланди. Улар бу борада ўз мамлакатларида ортирилган тажрибалар билан ўртоқлашди.

Нодирбек УЛЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## О СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКISTON!

Шарнома бўйича хизмат оддий аскари Адҳам Дадажонов мана бир йилдирки танкчилар қисмида хизмат қилиб келяпти. Техника билан тиллаша оладиган, вазифаси механик-ҳайдовчи бўлган посбон жанговар техникани доимо жанговар шай, ҳар қандай шароитда турли вазифаларга тайёр ҳолатда сақлайди. Асосийси, оддий аскар соҳа сир-асрорларини янада яхшироқ ўзлаштириш йўлида изланишдан чарчамайди.



Александр МРУЧАК олган сурат.

## ● ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ОФИЦЕР

### Бир туйғу оташида

Лейтенант Шаҳриёр Ашуровнинг гуруҳ командири лавозимини қабул қилиб олганига ҳам бир ой бўлапти. Аввало ана шу ойнинг сабоқларидан сўзласак. Таъкидлаш жоизки, бу қисқа муддат курсантликдан офицерликка тўлиқ «сакраш» учун кўникмалар берди. Ахир, билим юртини тугаллаб, офицерлик либосини кийгани ҳамано бари рисоладагидек бўлмайдиди. Офицерлик, командирлик масъулияти бўлакча. Шахсий таркибга намуна бўла олиш, муносиб етакчи бўлиш, билими билан ортидан эргаштириш муайян вақт, тажрибани талаб этади. Аммо касбга муҳаббат, Ватанга садоқат бўлса, иш осон кечаркан.

Бунинг лейтенант Ашуров мисолида кўриш мумкин. Яъни, қалбда ана шундай туйғулар жўш ураётган ёш офицер бир ойда жамоада ўз ўрнини топа олди. Аввало гуруҳ шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги даражасини ўрганди. Ҳарбий интизом, ахлоқий-руҳий ҳолат, ички тартиб жамоада қандай аҳволда эканлиги билан қизиқди. Жамоасининг қурол-аслаҳа, ҳарбий техникаси аҳоли, эксплуатациясини ўрганди. Йўқламаларнинг деярли барчасида ўзи қатнашиб, шахсий таркибини ўрганди. Гуруҳдаги аскарлар, кичик командирлари характерини, қобилияти даражасини билиб олди. Хуллас, (Давоми 2-бетда).

## Байрамга айланган ташриф

Навоий гарнизони ҳарбий қисмларидан бирига Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Обидохон Қурбонова етакчилигида бир гуруҳ ота-оналар ташриф буюрди. Ушбу ташриф посбонлар учун ҳақиқий шодибнага айланди.

Барчага бирдек яхши кайфият улашган тадбирда офицер С. Шомуродов, Обидохон Қурбонова, «Нуруний» жамғармаси вакили Зулфиқор Турдимухаммедов, «Маҳалла» жамғармаси вакили Наргиза Мирбобоева, туман «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Латиф Маисуров, Юқори Чирчиқ тумани мудофаа ишлар бўлиmindан капитан В. Назаров-

лар сўзга чиқиб, посбонларга Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан ўташларига тилак билдирдилар.

Бундай тадбирлар посбонларимиз руҳининг янада баланд бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, халқ ва армия яқдиллигининг амалдаги кўриниши ҳам ҳисобланади.

Шодибна муносабати билан қисм шахсий таркиби ва меҳмонлар учун байрамона ош тортилди. Тадбирда иштирок этган Юқори Чирчиқ тумани «Ниҳол» гуруҳи раққоса ва хонандаларнинг дилбар куй-қушиқлари шодибнага алоҳида фойз бағишлади.

Майор М. АШУРОВ,  
Навоий гарнизони

## БИР ТУЙГУ ОТАШИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).  
қисқа вақт ичида командир ва қўл остидагилар ўртасида мустаҳкам бир ришта ҳосил бўлди. Бунда меҳр ҳам, ҳурмат-этибор ҳам, командирларча талабчанлик ҳам бор эди. Шу боис офицер сифатидаги хизматининг дастлабки ойданоқ «Энг илгор гуруҳ командири» танловидаги рақобатчиларига етиб олди, лейтенант Ашуров.

Шахриёр Самарқанднинг Ургут туманидан. Жорий йилда у Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмон-

донлик-муҳандислик билим юртининг артиллериячилик ихтисослигини тугаллади. Устозлари подполковник Эркин Тағиев, капитан Одил Раҳмонкуловлардан пухта сабоқлар олгани бугунги хизматида намойиш бўлмоқда. Маъруф ананинг саккиз нафар фарзанди бор. Бири ўғил, қолганлари қиз. Ана шу ягона ўғил бугун эгнига ҳарбий либос кийган офицер. «Яшавор ўғлим, асл мардларга хос касбни танладинг», деганди Шахриёрга отаси курсант бўлганидаёқ.

Мустақиллик байрами арафасида лейтенант яқинлари билан телефон орқали боғланди. Уни туғилган куни — 23 эши билан табрикланди. Ҳа, 23 ёшдаёқ юлдузни бебарвон уришга шайланган ўғлонлар истиқлолимиз сабаб ана шундай руҳда намолга етди. Ғайратида, қатъиятида, шижоатида фақат ва фақат садоқатни кўрасиз. Она Ватанга, истиқлолга, халққа бўлган садоқатни. Ҳа, ана шу туйғу оташида чақнаб турган бундайин офицерларимиз ортида нурафшон йўлар қолдиражак.

Майор  
Алижон САФАРОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.

На занятиях по тактической подготовке войнам-артиллеристам командир подразделения поставил учебно-боевую задачу — прибыть в кратчайший срок в указанный район для получения боевого задания. Успешное выполнение этой учебно-боевой задачи во многом зависело и от четких, слаженных действий войнов-артиллеристов боевой машины, где командиром младший сержант

### ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

## Весомая лепта

по контракту Наримон Утепов.  
Подчиненные младшего сержанта Н. Утепова старший наводчик рядовой Захид Жабаров, водитель рядовой Хасан Абдуллаев действовали четко и грамотно. В результате войнов-артиллеристы

данного подразделения все поставленные командиром учебно-боевые задачи выполнили вовремя и качественно. В этом, несомненно, есть и весомая лепта подчиненных младшего сержанта по контракту Н. Утепова.  
Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.


## ИСПЫТАНИЕ ВЫДЕРЖИМ

Войны-мотострелки, где служит рядовой Вахиджон Назаров, достойно встретив 13-ю годовщину независимости Республики Узбекистан, с большим подъемом продолжают повышать свое боевое мастерство. Они каждую минуту учебного времени завершающего этапа летнего периода обучения используют в полном объеме. Поэтому войны-мотострелки на итоговой проверке за учебный год намерены получить высокие оценки. А к главным экзаменам года рядовой В. Назаров и его сослуживцы готовятся тщательно. Это показали тактические занятия с полевым выходом.

Командир подразделения поставил сложную учебно-боевую задачу. И выполнение ее зависело от точных и слаженных действий стрелков рядовых Вахиджона Назарова, Жахонгира Тухтаева, пулеметчика рядового Мамуржона Рахматова и гранатометчика рядового Умиджона Омопова. С этой задачей войны-мотострелки справились качественно и в срок. Тем самым получили заслуженную пятерку.

— Я и мои товарищи итоговую проверку за учебный год считаем испытанием нас на прочность и боевую зрелость. — говорит рядовой В. Назаров. — Уверен, что это испытание мы выдержим с достоинством и честью.

Майор З. НУРИТДИНОВ.



Айни кунларда қизғин давом этаётган дала-ўқув машғулотида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Лазиз Исмаилов ҳам юқори натижаларни кўрсатмоқда. Бу эса посбоннинг яқинлашиб келаётган яқиний синов машғулотидаги пухта ҳозирлик кўраётганидан, илгорлигини қўлдан бермаслигини мақсад қилиб қўйганидан далолат беради.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРГА ИНТИЛИБ

Эшик қўнғироғи жириглади. Ёқимтойгина қизалоғини бағрига босиб овутиб, турмуш ўртоғининг келишига ширин-ширин таомлар ҳозирлаб ўтирган уй бекаси илдам бориб ташқарига қулоқ солди. Акмалжон уйга қайтган экан.

— Салом. Яхши ўтириб-сизларми, менинг асал қизим қалай? — жилмайиб кириб келди Акмал. Йўл-йўлакай харид қилган нарсаларни хотинига тутқазар экан, тезгина ювиниб қизалоғи томон ошиқди.

— Кеч тушиб қолса ҳам ухламай дадасини кутяпти, — қизалоққа ишора қилди уй бекаси. — Сизни жуда яхши кўради-да, қизингиз.

Акмал мунчоқ кўзларини ўзига тикиб турган фарзандини меҳр билан эркаларкан, бир зумда чарчоқлари тарқаб, дили яйраб кетди. «Сизларнинг, юртимизнинг осойишталиги учун-да, бизнинг хизматимиз», — хаёлан пичирлади у. «Бундан ортиқ бахт борми...».

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмал Йўлчиев 1978 йил Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ аъло хулқи, фанларни яхши ўзлаштириши, жисмоний тарбия машғулотида ҳам тенгқурларидан анча илгорлиги билан қўпчиликига ўрнак бўлган Акмал шу тариқа илм масканини имтиёзли шаҳодатнома билан тугатди. Энди йигитнинг олдида ўз келажagini, бир умрлик мақсадини белгилаб олишдек вазифа турарди. Ватанга, эл-юртга хизмат қилишдек шарафли бурча иштиёқи юксак Акмал ҳарбийлигини танлади. Айнан шу соҳада ўз келажagini, орзуларни ривожини топишига ишонди.

— Муддатли ҳарбий хизматни Самарқандда, алоқа-

чилар қисмида ўтаганимдан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттиришга аҳд қилдим, — дейди у. — Айни пайтда подполковник Зониржон Муродов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда старшина вазифасида хизмат қиляман. Ҳарбийликка ёшлигимдан қизиқар эдим. Шунинг учун мазкур соҳада юксак марраларни кўзлаб, интилиб келяпман. Режаларим, мақсадларим навбатма-навбат амалга ошиб келяпти. Шу йўлдан кетганимга пушаймон бўлганим йўқ. Мана, Қуролли Кучларимиз ислоҳ қилиниб, профессионал армияни шакллантириш йўлидан бораёلمиз. Унда хизмат қилаётган сержантларга қатор қўлайликлар, имтиёзлар берилмоқда. Бунинг барчаси шаклланишдан, юксалишдан далолат. Ва ўз навбатида бизга билдирилган катта ишонч ҳам. Демак, ўз навбатида биз ҳам ана шу ишонччи оқлашимиз, юклатилган вазифани шараф билан уддалашимиз дардор. Шу билан биргаликда айтиб ўтмоқчи эдимки, мавжуд муаммолар, шаклланишга тўсиқ бўлаётган омилларни ҳам асло этибордан четда қолдириб бўлмайди. Булар бари биздан кучли билим ва доимо, ҳушёр бўлишни талаб этади. Ўз номимизга ва бурчимизга муносиб бўлайлик, дейман сафдошларимга. Ишонаманки, улар ушбу фикрларни албатта, этироф этишади.

Кенг дунёқараш эгаси, зукко ва тиришқоқ Акмал Йўлчиев мавжуд фазилатлари билан жамоасида аллақачон ҳурматга сазовор бўлган. У билан дўстлари ҳам доимо фахрланишади. Ўйлаймики, ана шу ифтихор ҳеч қачон йўқолмайди.

Лейтенант  
Эшик ХАКИМОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.

## ЦЕЛЬ—НОВЫЕ ВЫСОТЫ

Один из тех воинов, кто достойно встретил 13-ю годовщину независимости нашей Родины, — это старший техник сержант по контракту Жаксылбай Канназаров. Он отлично освоил свою воинскую, специальность, как говорится, «от и до» знает технику. Поэтому у этого воина по его вине никогда не бывает задержек во время технического обслуживания бронетранспортеров.

В эти дни сержант Ж. Канназаров готовит всю технику подразделения к главным «смотрим» года. Он делает все возможное и от него зависящее, чтобы техника во время выполнения учебно-боевых задач не подвела.

Сержант по контракту Ж. Канназаров решительно настроен покорить большие высоты боевого мастерства. Отличные оценки по тактической, технической, физической и огневой подготовке говорят сами за себя.

— За нами пристально следят войны срочной службы, — говорит Ж. Канназаров. — Поэтому мы не имеем морального права по неготовленности быть слабее их. Думаю, в связи с этим, каждый из нас должен трудиться до седьмого пота. Только тогда будет высокой результат и будет покорены новые высоты.

Майор  
Хайритдин ЗАНИЛОВ.

## ОНАМ ҚЎЛЛАДИ МЕНИ

Арофатхоннинг шартнома асосида хизматини бошлаганига бор-йўғи энди тўрт ой бўлди. У иш юритувчи вазифасида хизмат қилади.

— Қуролли Кучларда ўз имконият ва истиснодларини намойиш қилиш мақсадида айнан ҳарбийлигини танладим, — дейди оддий аскар А. Исамухаммедова. — Ҳарбий либос кийиш менинг болаликдаги орзум эди. Йигитларнинг хизматига кетаётганини кўриб ҳар доим ҳавас қилардим. Қани энди, қизлар учун ҳам армия сафларида хизмат қилиш имконияти бўлса, биринчилардан бўлиб ўзим борардим, деб ўйлар эдим. Бу орзумини дугоналаримга айтсам, улар доимо шарқда аёллар уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбия билан шуғулланиб келишган. Биз истаймизми, йўқми, турмушга чиққач, ушбу анъанани давом эт-

тирамиз. Сенинг бу хаёллариң эса армонлиғича қолиб кетади, дея эскича фикрларларди.

Мен бунга сира ишонамас, эдим. Чунки, АҚШ ва Исроил қуролли кучлари таркибида аёллар ҳам хизмат қилишиб, юқори жанговар натижаларга эришаётгани ҳақида телевизор орқали кўриб, кўп бора эшитган эдим. Кейинчалик, миллий армиямиз сафларида ҳам аёллар хизмат қилишаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Бу ҳақида онамга айтганимда, у ҳам тасдиқлади. Сўнгра ўзимнинг ҳам ҳарбийликка қизиқишим борлиги тўғрисида сўз очдим. Онам ўқитувчи бўлиб, бола руҳиятини яхши тушунигани боис,

мақсадимни дарров англадилар.

— «Албатта, сен ҳам улгайсанг, Ўзбекистонимизни ҳимоя қила оладиган муносиб юрт ҳимоячиси бўлишинг мумкин» дея руҳлантирдилар. Мана шу сўзлари балоғатга етгунимга қадар менга орзум сари умид бағишлади. Соҳага бўлган қизиқишимни «алангалатди». Яқинда кўриб турганимиздек ҳарбий либос кийиш бахтига мушарраф бўлдим.

— Назаримда ҳарбийликнинг юки қиз бола учун бироз огирлик қилмайдими, боз устига оила қургандан кейин...

— Тўғри юрт посбони бўлиш ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли. Бун-

дан ташқари соҳа ванилларидан замон билан ҳамнафас бўлишни, ҳам жисмонан, ҳам фанран соғломликни, шу билан бир қаторда янги билимларни ўзлаштириб, хизматда жорий қилишни талаб этади. Муҳими, таълаган касбининг астойдил севсанг, жамоадошларинг, тажрибали устоз офицерларнинг кўмаги-ла барча қийинчиликларни барқараф этиш мумкин. Бизнинг жамоамизда подполковниклар — Баҳодир Қоёлилов, Мираҳмад Осмонов, майор Отабек Камолов, капитан Тоҳир Умаров сингари ўз касбини қадрловчи, тажрибали, профессионал устозлар бор экан, ҳарбий қисминизда касбига фидойи посбонлар этишиб чиқаверади.

Албатта, мени тушунадиган ўз соҳамдаги йигитга турмушга чиқишни хоҳлайман. Ҳамфикр турмуш ўртоғингиз билан ҳаёда барча нарсани улғуртиришнинг мумкин. Бу кўп жиҳатдан оила бекасига ҳам боғлиқ.

Бу лавҳам қаҳрамонни гўзал Арофатхоннинг фикрлари эди. Бугун мана шундай матонатли, фидойи қиз вертолётчилар қисмининг умидли посбонларидан. Унинг галдаги мақсади сержантлар тайёрлаш мактабига билим олиб, касб маҳоратини янада тоблаш. Ҳарбийликка сиқилдидан меҳр қўйиб, юклатилган вазифаларни шараф билан адо этаётган қирайлик Арофатхоннинг бирдан-бир эзгу нияти онаси таъкидлаганидек, жонажон Ўзбекистонимизга муносиб посбон бўлиш.

Ковилжон ХАСАНОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.

ЯПОНИЯ УЗ МУДОФАА ТИЗИМИНИ ЯНГИЛАМОҚДА

Япония ҳукумати ҳарбий ислохотларни давом эттири...

риш ҳисобига тежалланган маблағни тежор махсус бў...

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда...

Ташкил этилган махсус гуруҳларга қуролланган жангари тўдаларга нарши кураш вазифаси юклатилди...

Япония мудофаа бошқармаси мутахассисларнинг сўзларига қараганда...

Расмий Токио ҳарбий ислохотларни ҳалқаро террорчилик хавфи кучайиб бора...

«Соғлом авлод учун» халқаро жамағатларида

Узбекистоннинг эр юқори чўққисини забт этиб қайтган Дилмурод Тиллаҳуҷаев ва Илос Тухватиллар билан мабуот анжумани ўтказилди.

АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯДАН ҚАЙТИШДА

Харакати — Узбекистон Либерал демократик партияси мажлиси аъзоси бўлиб келган журналист Дилмурод Тиллаҳуҷаев ва Илос Тухватиллар билан мабуот анжумани ўтказилди.

ЛАТИФАЛАР ЭРКАК КИШИНИНГ ГАПИ

Бир кун дўсти Афандидан сўради: Афанди, неча ёшга кирдинг? — Ронпа-роса қирқ ёшга тўлдим...

Амалдаги конституцияга мувофиқ Япония ўз қуроли кучларига эга бўлиши ва улардан халқаро м...

ҲОЛВА

Бир кун суҳбатдошлар таомлар ҳақида гаплашиб қолди. Хар ним ўз ёқтирган таомни маътай кети...

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

МЕТЕОРИТЫ ЕДВА НЕ СНЕСЛИ ГОЛОВУ

Чуть больше метра и несколько секунд отделили в пространстве и времени 46-летнего Александра Радунца...

Подобие ближе — в огороде дыра. А утром взял лопату и туда. Так и выкопал из дыры два камня.

этим случаем заинтересовались — на полуострове не было, чтобы кто-то застиг метеорит в момент падения.

Table with TV channel logos and program listings for various channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50.

Table with TV channel logos and program listings for various channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50.

Table with TV channel logos and program listings for various channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50.

Table with TV channel logos and program listings for various channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50.

20 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 20th.

21 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 21st.

22 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 22nd.

23 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 23rd.

Table with TV channel logos and program listings for September 24th.

24 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 24th.

25 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 25th.

26 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 26th.

27 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 27th.

Table with TV channel logos and program listings for September 28th.

28 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 28th.

29 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 29th.

30 СЕНТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for September 30th.

1 ОКТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for October 1st.

Table with TV channel logos and program listings for October 2nd.

21 СЕНТЯБРЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.35 «Кусто командасининг сув саргузашлари»
9.25 «Шегрға кучган кунда»
9.40 «Соғлом она — соғлом бола»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

17.45 Ешлар куйлаганда. 18.05 Таянч. 18.50 Мумтоз наволар. 19.00, 22.00 Давр. 19.35 «Давр» интервалу. 19.55 Инга мархам! 20.10 Сайлов — демократия кузгуси.

16.00 «Пять вечеров». Вторник. 17.00 Вечерние новости (с субтитрами). 17.20 «Пан или пропал».

14.30 «Хвостыте истории». 15.00 Ток-шоу «Большая стирка». 16.00 «Три судьбы».

26 СЕНТЯБРЯ
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 «Камалат».

22.00 «Давр» хафта ичиди. 22.35 «Тикка йул адоги». Фильм. (Давоми).

16.40 «Воскресный «Ераш». 17.00 Времена. 18.00 «Кривое зеркало».

19.00 «Дикие звезды». 19.30 «Юрки». 20.00 «Юрки». 20.30 «Откройте, милиция!».

14.30 «Хвостыте истории». 14.00 «Новые истории». 13.00 «Женщины в любви».

7.30 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 4.00 «Новости».

7.30 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 4.00 «Новости».

17.20 «Волжанин». 17.00 «Нити влюбленных».

15.00 «Валлада о любви». 15.00 «Валлада о любви».

17.20 «Волжанин». 17.00 «Нити влюбленных».

17.20 «Волжанин». 17.00 «Нити влюбленных».

17.20 «Волжанин». 17.00 «Нити влюбленных».

1987 йилнинг 16 сентяб-рида озон қатламини буза-диган моддалар бўйича Мон1 реал протоколи имзоланди. Бу тарихий ҳужжат имзо-ланган кунни БМТ Бош Ас-самблеяси орадан етти йил ўтиб, 49—114 резолюцияси билан халқаро сана сифати-да тасдиқлади. Маана 10 йилдирки, 16 сентябрь озон қатламини муҳофаза этиш халқаро кунни сифатида қар-ши олинади.

Балки газетхонларимизни озон қатлами нима, уни нима-дан муҳофаза этишимиз лозим, деган савол ўйланти-рар. Келинг, дастлаб шунга ойдинлик киритиб ўтсак. Озон қатлами юқори атмосфе-радаги, яъни ер юзасидан 12 километрдан 45 километрга-ча баландликдаги юпқа газ қатлами бўлиб, у она сайё-рамизни қуёшнинг ҳалокат-га алтувчи ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилади.

● 16 СЕНТЯБРЬ — ОЗОН ҚАТЛАМИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

ГАЗ ҚАЛҚОНИ ЕМИРИЛСА...

Айтиш лозимки, бу ультра-бинафша нурларининг ер юзига таъсири тери рақини келтириб чиқариши, ўсим-ликларга, сув ости дунёсига, озиқ-овқат ва глобал эколо-гик тизимга миёли кўрилма-ган зарар етказиши мумкин. Хлорфторуглерод озод қат-ламини сийраклаштирувчи моддалар сирасига кирди. Ана шундай моддаларни иш-лаб чиқаришни камайтириш ва таъқиқлаш муаммони ҳал этишда жуда муҳим.

1998 йилда БМТ Атроф-муҳит дастури ва Бутунжа-ҳон метеорология ташкило-ти дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатидан тўпланган олимлар иштирокида озон қатламининг сийраклашуви

устида тадқиқот ўтказиш, Монреал протоколнинг го-ятда самарали бўлганини ис-ботлади. Агар протоколда кўзда тутилган шартлар оғишмай бажарилиб борилса, асриямизнинг ўрталаригача озон қалқони тўлиқ тиклани-ши мумкин экан.

Шу ўринда бир маълумот. Озон қатлами сийраклашуви 1994 йилда атмосферанинг пастки қатлами бўлган тропосферада энг юқори дара-жага етганди. Монреал прото-коли бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самара-сини бериб, вазият аста-се-кин ижобий томонга ўзгар-моқда. Протокол самарали таъсир кўрсатаётган бўлса-да, озон қатлами тикланиши

узоқ йилларга чўзилиши ни-ма билан изоҳланади, деган савол туғилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, атмосфе-рага чиқиб кетган кимёвий моддалар таъсири бунга са-баб. Негакки, уларнинг таъ-сири ҳали узоқ давом этиши мумкин.

Монреал протоколдан таш-қари яна қатор муҳим ҳуж-жатлар қабул қилинган. Дея-лик, «Озон қатламини муҳо-фаза этиш тўғрисида Вена конвенцияси» шулар жу-мласидан.

Айрим маълумотларга на-зар ташлайдиган бўлсак, ўт-ган аср охирида Мехикода атмосферадаги озон кон-центрацияси табиий ҳолати-дан 10 баробар юқори бўл-

ган. Яъни, углероднинг кўп миқдорда атмосферага кўта-рилаётгани бунга сабабдир. Урмонларнинг қисқариб бо-риши эса ўз навбатида бу муаммони кескинлаштирган. Эътибор берган бўлсангиз, экотизим бузилганда бунда-йни салбий ҳолат юзага ке-лаётганини англайсиз. 1900 йилдан айни пайтгача сано-атлаштириш натижасида ат-роф-муҳитга 100 миңдан зиёд кимёвий воситалар чи-қиб кетган экан. Бунинг таъ-сири қандай бўлишига изоҳ орттиқа.

Юпқа газ қалқонини муҳо-фаза этиш, унинг қайта тик-ланишига шароит яратиш ўзимизга боғлиқ. Ахир, ўз ялдинизмига балта уриш бил-ан ўзимизни ҳалокатга алтамиз-да.

Майор Алижон САҒАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● ТАРИХИМИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ВАСЛИЙ

Асл исми уста Азим ўгли Саид Аҳмад 1870 йилда Самарқанд шаҳрида туғилиб, 1925 йилда вафот этган. Саид Аҳмад Васлий тахаллуси остида ижод қилган. У ўзбек ва тожик маърифатпарвар шоири бўлган. 1883—1891 йилларда Тошкентнинг Кўналдош ва 1893—1902 йил-ларда Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1903—1909 йилларда Бухорода, 1909 йилдан 1917 йилгача Самар-қанддаги Орифшонбой ва Қусам ибн Аббос мадрасала-рида мудarrisлик қилган. Улуғбек мадрасасида янгича усул мактаблари учун муал-лимлар тайёрлаш курсида дарс бериш билан бирга у

ерда адабий тўгаран очиб, унга ҳомийлик қилган. Васлий миллий матбуот-нинг шаклланишида фаол иштирок этиб, катта ҳисса қўшган. Унинг мақола ва шеърлари маорифни ислоҳ қилиш, миллат раънақи каби масалаларга бағишланган.

Васлий ижодий меросидан 12000 мисра шеър ва «Ар-муғони дўстон (1909), «Асос ул-ислом» (1904), «Тухфат ул-аҳбоб (1912), «Таълим ва билдирманнинг фойдалуи ўл-моқи» (1914) каби 25 рисо-ласи бизгача етиб келган.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидан фойдаланилди.

МОЗГИ МЕНЯЮТ ОРИЕНТАЦИЮ

Ученые Кембриджского университета установили, что по крайней мере у одного мужчины из пяти — женские мозги — вне зависимости от его внешности. Так, что некоторым жёнам не стоит сильно удивляться, когда их мужья вдруг проявляют поистине женскую любовь к сплетням и перемыванию косточек своих знакомых, увлекаются модной одеждой, вышивкой, любят ходить по butikам.

В то же время, исследователи обнаружили, что по крайней мере у каждой седьмой женщины мужской склад

ума. Из таких дам получают выдающиеся математики, ученые, они отличаются аналитическими способностями и часто становятся спортивными комментаторами.

По словам профессора Саймона Вэрона-Козна, у части людей обнаружены так называемые сбалансированные мозги, сочетающие в себе как мужские, так и женские качества. Установлено, что пол вашего мозга формируется уже в первый день существования плода в материнской утробе.

Подготовила Л. КАРИМОВА.



● БИЛАСИЗМИ? ЕРНИНГ ОГИРЛИГИ ҚАНЧА?

Баъзан миямизга галати фикрлар келади. Масалан, «Ернинг оғирлиги қанча экан?» каби. Ер қоиғотида муаллақ тургани учун унинг оғирлигини тарозида ўлчаб бўлмайди. Бироқ олимлар бунинг ҳам илжонини топишди. Ернинг вазни тўғрисида тапирилганда, аввало, у тар-

киб топган моддаларнинг миқ-дори ўлчаниши керак. Ернинг массаси, тахминан, 5,976 триллион тоннаш ташкил этади. Олимлар Ернинг мас-саси айнан шунча эканлигини қандай аниқлашган? Улар бунни аниқлаш учун икки жисмининг ўзаро тортишиш қонунидан фойдаланишди. Олимлар бундай ўлчамлардан кейин математика ёрдамида Ернинг вазини ҳисоблаб чи-қишди.

ЭНГ БАЛАНД ТОҒ

Тоғлар қуруқлигининг те-кисликлар устидан баланд кўтарилган қисмидир. Айрим улкан тоғларнинг баландли-ги бир неча минг метрга ети-ши мумкин. Баъзи бирлари эса бор-йўғи 200-300 метрни ташкил этади. Тоғлар фақат-гина қуруқликда эмас, ден-гизларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Аслида, сайёрамиз-даги энг катта тоғлар океан-лар тубида жойлашган. Агар тоғларнинг баландлигини ўл-чашда уларнинг сув усти ва

сув остидаги қисмлари ҳам ҳи-соблаб олинса, энг баланд тоғ Гавай оролларидаги Мауна Кеа бўлиб чиқади. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги 4.205 метр, сув остига эса яна 4.877 метри яшвиринган. Умумий баландлиги эса 9.100 метрдан ошади ва у дунёда-ги энг баланд тоғдир.

Ер устидаги энг баланд тоғ Эверестдир. У Хитой ва Не-пал оралиғида жойлашган. Унинг баландлиги — 8.848 метр. Эверестдан кейинги ўринда Капшмирдаги Кодвин Аустен чўқирси туради. Унинг баландлиги — 8.648 метрни ташкил этади. Шимо-лий Америкадаги энг баланд тоғ 6.194 метр баландликка эга бўлган Маккилли тоғи-дир. Европада 5.633 метрни ташкил этувчи Эльбрус тоғи энг баланд ҳисобланади. Аф-риқадаги Килиманджаро тоғи-нинг баландлиги 5.963 метрга етса, Жанубий Америка-даги энг баланд тоғ — Акон-кагуа (6.969 метр) тоғи ҳи-собланади.

З. ИСАКОВА тайёрлаган.

ПАМЯТНИКИ ЖИВОТНЫМ

В немецком городе Мюн-стре стоит памятник петуху. Более четырехсот лет назад люди в осажденной крепости, умирая от голода, выпустили на крепостную стену петуха. Он был последним. Неприятель же решил, что у защитников крепости много припасов и снял осаду.

Подготовил Н. ЧУРСИНОВ.

● В МИРЕ НАУКИ

ЛАМПОЧКА-ЭКОЛОГ



Американская компания «ОЗОНЕ.Лит» выпустила электрическую лампочку с одноименным названием. Чудо-лампочка мощностью в 100 ватт не только служит в во-семь раз дольше обычной,

но также убивает в освеще-аемом помещении бактерии, вирусы и грибки, а заодно устраняет неприятные запа-хи.

Разработчики сообщают, что, если бы каждый амери-канец заменил одну «нор-мальную» лампочку на но-вую, для окружающей среды это было бы так же полез-но, как удаление с дорог од-ного миллиона автомобилей. Реклама, конечно, но верить хочется. Кстати, считается, что такая лампочка будет особенно полезна для куря-щих людей, страдающих от аллергии. Последнее — наи-более важно, так как, по прогнозам ученых, количество всевозможных аллергенов на нашей планете с каждым годом будет только расти.

РАЗНОЕ

Утерянное свидетельство о рождении, выданное 3 августа 1997 года, серия

XII-ЮС № 487708 на имя АНАРКУЛОВОЙ Динары Абусент кизи, считать неде-йствительным.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 14 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошхо-на ва бошқа мажбурий тў-

ловлар учун хорижий валюталарнинг сўзга нисба-тан қуйидаги қийматини белгилади:\*/

1 АҚШ доллари 1036.65  
1 евро 1271.76  
\*/ Валюта қийматини бел-гилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

● БУ ҚИЗИҚ!

КИТОБ БОСИШ

Биринчи босма китоб кил-ография (юнонча «кешло» — «дарахт» ва «графо» — «ёзаман» сўзларидан) китоблар деб аталган. Уларни қуйидагича тайёрлаганлар: текис ёғоч тахта устига текстни тескари акс тасвирини ё-ганлар. Уста ўттир пичоқда эҳтиётли билан чизиклар оралиғида ёғочни ўйиб ёган. Натижада текстнинг релье-фи, қавариқ тасвири ҳосил бўлган. Унга бўёқ сурқаб, устига пергамент ёки қоғоз бостирилган ва бўёқ ёғочдан варақча ўтган. Худди шу усулда гравюралар тайёрлан-ган. Кореяда 704 ва 751 йил-ларда 12 тахтадан иборат китоб энг қадимги босма китоб ҳисобланади. Европада босма китоб ихтироқиси Иоганн Гутенберг — ёр си-қиб чиқариш учун мўлжал-ланган оддий пресси босма-хона дастгоҳига айлантириб, уни китоб босишга мослаш-тирди. У текстдан хоҳлаган миқдорда нусха кўчиришга



имкон берувчи босма шакли ихтиро этган. Бу шакллар литера (ҳарф ёки босма ҳарф) шаклидаги белгилар-дан иборатдир. Китоб босиш-да ҳарфлар тасвирига бўёқ сурқалади ва ундан қоғозга ҳарфнинг нусхаси тушади. Бу Гутенбергининг энг асо-сий ихтироси эди. Бу ихтиро тезда бутун дунёга ёйилди. XV асрнинг охирига келиб, Европанинг ўнлаб шаҳарла-рида китоблар босилиб чи-қаришди. Россияда китоблар XVI асрнинг ўрталарида бо-сила босилган. Биринчи машҳур рус матбаачиси Иван

Фёдоров бўлган. 1563 йили И. Фёдоров ёрдамчиси Пётр Мстиславцев билан Русда би-ринчи босма китоб — «Апо-стол»ни чоп этган. 1574 йилда у биринчи марта «Алифбо» грамматикасини яратди.

АВТОРУЧКА — БИР МИЛЛИОН ЕВРО

Италиянинг Капри ороли-даги заргарлик магазини пештахтасида 1 миллион евро турадиган авторучка на-мойиш қилинмоқда. Сангиз бурчакли бу водир «қалам» платинадан ясалган. Тўртта қирраси машҳур «Баккура» биллурни билан нақшланган, қолган тўрт қиррасига эса жами 1259 та бриллиант жойлаштирилган. Ушбу ноёб нарсанинг ўзи билалурдан ясалган жажжи сандиқчада сақланади.

Рим императорлари Ав-густ ва Тибериий даврлари-дан буён «жаниат ороли» номини олган Каприда бу-гунги кунда пуддорларгина дам олишади.

● ШАХМАТ

**Рустам яна ғолиб**

Икки ой муқаддам Ливна пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кийган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов халқаро турнирларда зафарли олимларини давом эттирмоқда.

Жумладан, у Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида муваффақиятли қатнашди.

Дунёнинг энг кучли ўн гроссмейстери иштирок этган

турнирда тўққиз имкониятдан олти очко жамгарган Р. Қосимжонов руминиялик Ливюдитер Ниселяну билан бирга биринчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Р. Қосимжонов жосий йилнинг октябр ойида Испанияда ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадасига жаддий тайёргарлик кўрмоқда.

**Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,**  
УзА мухбири.

● ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

**Артур ғалаба қозонди**

Профессионал бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Григорян Венгриянинг Будапешт шаҳридаги «Нисстадион» спорт мажмуида навбатдаги жангини ўтказди. Бу гал у венгриялик Ласло Херцег билан куч синашди.

Тажриба ва маҳорат бобида рақибдан анча устун Артур Григорян сақиз раундга мўлжалланган жангни муддатидан олдин якулади. Тўртинчи раундда ўзбекистонлик боксчининг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юборган Ласло Херцег техник нокаутга учради ва мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

Артур Григорян профессионал боксда ўттиз етти жанг ўтказиб, ўттиз олтига галаба қозongan ва бир маротаба мағлубият аламини тортган.

**З. ТОШХУЖАЕВ,**  
УзА мухбири.

● БОЛАЛАР СПОРТИ

**Совриндорлар аниқланди**

Жиззах вилоятида бокс бўйича 1987-89 йилларда тутилган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда юртдошларимиз билан бирга Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистондан келган юздан ортиқ спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Асил Шарипов, Анвар Азизов, Элдор Холматов, Дилмурод Нишонов, Отамурод Тошпўлатов, Ботир Бобоев, Азиз Комилов ва Дийр Гафуров каби умидли боксчиларимиз шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

**Қаҳрамон ҚАРШНЕВ,**  
УзА мухбири.

● ТЕЛЕАНОНС  
«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

26 сентябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали Республика Мудофаа вазирлигининг ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга узатилади.

Унда «Юртнинг асл ўғлонлари» руқни остидаги телеочерклар давом этади. Кўрсатувда ёзги ўқув мавсумининг якуний босқичи машғулотларидан лавҳалар, Қуролли Кучлар фаолиятида бўлиб ўтган муҳим воқеалар, тadbирлар ва телетомошабинлар мактублари асосида тайёрланган «Ҳарбий почта» каби руқлар қатори анъанавий бошқа мавзулар ҳам намоён этилади.

Кўрсатувнинг такрорий намоёниши сешанба, 29 сентябрда, соат 16.00 да эфирга узатилади.

Уз мухбиримиз.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 108

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Поток. 8. «Динамо». 9. Офисайд. 10. Лирик. 13. Лазарев. 16. Акробат. 19. Заика. 20. Помпа. 21. Норка. 22. Редис. 24. Аккураг. 27. Зазноба. 33. Исток. 34. Канкан. 35. Аммиак. 36. Атлет.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Чинара. 3. Полонез. 4. Турне. 5. Кокотка. 7. Химера. 13. Лапта. 14. Замок. 15. Валет. 16. Акиз. 17. Бордо. 18. Трага. 22. Равнина. 23. Самонаг. 25. Каскад. 29. Баркас. 30. Котел.

ПО ДУГАМ: 2. Вассал. 6. Ястреб. 11. Орпа. 12. Осло. 26. Уран. 28. Небо. 31. Осанка. 32. Призма.

КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30
31	32	33	34	35	

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Александрійское чудо света. 2. Напиток. 3. Полуфабрикат избу. 4. Контора добрых услуг. 5. Кабинет нового русского. 7. Чернокожий (устар.). 8. Сельскохозяйственное орудие. 9. Эллины ныне. 10. Возмездие. 11. Птица на крыше. 13. Театральная галерея (устар.). 14. Банкротство. 15. Слоба-плетенка. 16. Бухгалтерский термин. 17. Океанский рак. 19. Сорт яблоч. 20. Предмет мебели. 21. Ветвь хвойного дерева. 22. Оросительный канал в Средней Азии. 23. Юбка для шотландца. 25. Если своя, то владыка. 26. Женское имя. 27. Мельчайшая частица химического элемента. 28. Тьма. 29. Киношная столица Франции. 31. Река в Европе. 32. Земляк «Пежо». 33. Номерный труд композитора. 34. Кто пишет для Велюрова из телефильма «Покровские ворота»? 35. Запад.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Травка со свежим вкусом. 2. Часть туловища лошади. 3. Большая куча сена. 4. «Двенадцать» (поэт). 5. Желтая природная краска. 6. Рыба под напряжением. 7. Тонкое кружево. 8. Выгода (разг.). 9. Нарушение религиозных правил. 10. Крупная упаковочная мера (спец.). 11. Телефонное словечко. 12. Крупное хищное млекопитающее. 13. Горная порода. 14. Твердая масса, получаемая путем прокаливания торфа, нефти. 15. Фойе. 16. Минибуйвол. 17. Высший сорт фаянса. 18. Званый вечер в буржуазном быту. 19. Купидон. 20. Чернь на трубочисте. 21. Буддийский монах. 22. Супруг Евы. 23. Лодка индейца. 24. Кресло монарха. 25. Допотопный плуг. 26. Река во Франции. 27. Воровской сленг. 28. Комнатная собака. 29. Жилище, приют (высок.). 30. Корка на снегу.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Ваше благополучие будет зависеть от разумного упорства и компетентности. Желательно не планировать ничего нового, лучше подвести некоторый итог проделанной работе. Посвятите достаточно времени построению планов на ближайшее будущее.

**ТЕЛЕЦ.** Наступает благоприятный момент для концентрации своих сил и возможностей и резкого, возможно — даже внезапного скачка вперед. К проблемам лучше относиться с юмором. Главные события могут ожидать вас на рабочем месте, а поездки, встречи и прочую суету лучше перенести на вторую половину недели. Доделывайте привычные дела и не впутывайтесь в соблазнительные авантюры.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Фортуна может быть благосклонна в сфере общественной деятельности и на работе. Не прятать свои способности, проявляйте их в полной мере. Меньше верьте в обещания, и объективно рассчитывайте свои силы и возможности. Благоприятно заниматься накопившимися бумагами, завершать накопившиеся дела, исправлять ошибки. Займитесь конструктивным планированием на ближайшее будущее.

**РАК.** Наступает благоприятный период для реализации творческих замыслов, не упустите важную информацию, позволяющую расширить ваши возможности. Не распыляйтесь на мелкое и сиюминутное, помните, что ваша сила заключена в магическом, подсознательном влиянии на окружающих. Не стоит особенно расстраиваться, помните, что судьба хранит вас. Даже незначительная мысль о планах на будущее может воплотиться.

**ЛЕВ.** Вы будете получать удовлетворение от деловых встреч и контактов. Общественная деятельность может потребовать от вас больше времени, чем обычно. Жизнерадостность, оптимизм и серьезность позволят достигнуть намеченных целей и плавно перейти к новым задачам. Постарайтесь не показывать свой бурный темперамент, не разбрасывайтесь, и не отклоняйтесь от намеченной стратегии в действиях.

**ДЕВА.** В работе и в быту вы можете организовать окружающих для выполнения собственных задач. Если получите предложение сменить место работы, не торопитесь с ответом, и тщательно продумайте все. Не позволяйте на се-

бя давить, и отложите важное решение, оставив себе необходимое время для размышления.

**ВЕСЫ.** Ощущение собственной значимости возникнет не на пустом месте, и использовать плодотворный период необходимо сполна. Успех в делах может во многом зависеть от ваших организаторских способностей. Препятствия и проблемы, которые могут затронуть вас, не должны огорчать, так как все обернется в вашу пользу.

**СКОРПИОН.** Высокая работоспособность, хорошее самочувствие и настроение станут гарантией успешности во многих сферах деятельности. Постарайтесь не отдаляться от коллег по работе, так как в данной ситуации самым лучшим решением окажется коллективное. Постарайтесь выделить время для планов на ближайшее будущее.

**СТРЕЛЕЦ.** У вас может появиться возможность приобрести знакомства в ранее недоступных для вас сферах. Перед тем, как завязывать контакты, объясните свои цели близким людям. Вас могут посетить замечательные идеи, а владение важной информацией привлечет к вам много сто-

ройников.

**КОЗЕРОГ.** Наступает благоприятный момент для обновления во многих жизненных сферах. Среда может подарить радость в обновлении поставленных задач и планов. Вам удастся продемонстрировать высокий профессионализм и свою незаменимость в избранной деятельности.

**ВОДОЛЕЙ.** Стоит заняться установлением более тесных контактов с сотрудниками, это поможет воплотить в жизнь ваши сокровенные планы в построении карьеры. Реальность внесет свою поправку в ваши несколько воздушные планы. Рассчитывайте только на себя, так как остальные могут ошибаться или подвести.

**РЫБЫ.** Стабильность жизненного уклада и оптимистическое настроение позволят вам легко проскользнуть через препятствия и выйти победителем практически из любой ситуации. Желательно никуда не опаздывать, пунктуальность может стать причиной проблем. Согласуйте и уточните все до мелочей, так как от вашей кропотливости будет зависеть ваша карьера.

Бош муҳаррир  
полковник  
Ирисмухаммад  
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.  
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:  
Обуна бўлими — 56-03-46.  
Маълумот реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.  
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан руйхатга олинган.  
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.